Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 5 ноябрь, № 239 (8301) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Аввал хабар берганимиздек, шу йилнинг 3-4 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида “Инсон манфаатларини иқтисодий ислоҳотларнинг бош мазмунига айлантириш” мавзуидаги II Ўзбекистон халқаро иқтисодий форуми бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистоннинг келгуси беш йиллик тараққиёт стратегияси, иқтисодий имкониятлари, дунё ҳамжамияти билан алоқалари ва ривожланиш тенденциялари кўриб чиқилди. Ишбилармон доиралар ўртасида ўзаро мулоқотни йўлга қўйиш, ҳамкорлик ўрнатиш, инвесторларни жалб қилиш, иқтисодий ўсишни таъминлашда хусусий секторнинг роли, ўзгарувчан муҳитда пул-кредит ва макропруденциал сиёсат ҳамда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш зарурати каби мавзулар ҳам муҳокама марказида бўлди.

Халқаро форум

Форумнинг иккинчи куни долзарб мавзулардаги давра суҳбатлари билан бошланди. Хусусан, “Молиявий бозорни ривожлантириш: воситалар ва мақсадлар” мавзуидаги тадбир Ўзбекистоннинг миллий валютадаги капитал ва облигациялар бозорларини тараққий эттиришга қаратилган саъй-ҳаракатларига бағишланди.

Панел сессияда экспертлар келгуси беш йил ичида бозор муносабатларига мос келадиган молиявий тизимни яратиш, бу борада янги воситаларни жорий этиш ва юқори қўшимча қийматли хизматлар бозорини ривожлантириш бўйича ҳукумат ташаббуслари, тижорат банкларининг трансформация жараёнларини якунлаш, хусусий секторнинг активлардаги улушини банк соҳасида 60 фоизгача ошириш ва рақобатбардош банк операциялари учун шароит яратиш, капитал ҳаракатини либераллаштириш орқали молия бозорига хорижий инвесторларни жалб қилиш юзасидан фикр алмашдилар.

“Иқлим ўзгариши: “яшил иқтисодиёт”га ўтиш зарурати” мавзуида ҳам давра суҳбати бўлиб ўтди. 2

ЎЗБЕКИСТОННИНГ РЕЙТИНГИНИ ЯХШИЛАШ — МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

Олий Мажлис Сенати Раиси, Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши раиси Танзила Норбоева Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Инсон манфаатларини иқтисодий ислоҳотларнинг бош мазмунига айлантириш” мавзуидаги Ўзбекистон иқтисодий форуми доирасида “Whiteshield Partners” компанияси директори Ирина Бокова билан учрашди.

Учрашув

Мулоқот давомида мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг халқаро рейтингларга таъсири ҳамда келажакда кўзда тутилаётган режалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг халқаро рейтингини яхшилаш бўйича миллий кун тартибини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга ошириш доирасида “Whiteshield Partners” томонидан миллий кун тартиби гуруҳларини яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилгани маълум қилинди.

Таъкидланганидек, ҳозирда ишлаб чиқилаётган Миллий рейтинглар кун тартиби Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш учун зарур бўлган қисқа муддатли чора-тадбирлар ва узоқ муддатли таркибий ислоҳотлар мажмуасини ўз ичига қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, “Whiteshield Partners” консалтинг компанияси глобал стратегия ҳамда давлат сиёсатини ишлаб чиқишга ихтисослаштирилган нуфузли ташкилот ҳисобланади.

«Халқ сўзи».

Сенат қўмитасида

ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси мажлисида енгил саноат ҳамда чарм саноати корхоналарида хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳолати юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови бўйича амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди.

Унда қўмита аъзолари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, енгил саноат ва чарм саноати корхоналари раҳбарлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ёшлар сиёсати, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича доимий комиссиялари раислари ҳамда бошқа масъул идоралар вакиллари иштирок этди.

Дастлаб Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси томонидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўровига келган жавоб кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, “Ўзтўқимачиликсаноат” ва “Ўзчармсаноат” уюшмалари томонидан саноат корхоналарида хотин-қизлар учун қулай ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, уларнинг ишига муносиб ҳақ тўлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ижрога йўналтирилган.

Енгил саноат ва чарм саноати корхоналаридаги иш ўринларида хавф-хатарни аниқлаш, баҳолаш ва бошқариш тартиби ҳамда хавф-хатарларнинг таснифлари ишлаб чиқилди. Шунингдек, ИСО 45001:2018 — “Соғлиқни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги бошқарув тизими” халқаро стандарти ва уни жорий этиш бўйича қўлланма ва тақдимот материаллари тайёрланди. Бу тавсиялар ва қўлланмалар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда “Ўзтўқимачиликсаноат” ва “Ўзчармсаноат” уюшмалари томонидан тўқимачилик ва чарм саноати корхоналарига етказилиб, уларнинг расмий веб-сайтларига жойлаштирилган.

Мажлис давомида енгил саноат ва чарм саноати корхоналарида хотин-қизлар учун қулай ҳамда хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, уларга муносиб иш ҳақи тўлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва бу борадаги муносабатлар билан боғлиқ масалаларда иш берувчиларнинг масъулиятини ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Хусусан, “Cotton Campaign” халқаро коалицияси томонидан ўзбек пахтасига қўйилган бойкот бекор қилингандан кейин нуфузли бренд кийим-кечак ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг меҳнат стандартларини татбиқ этиш ва ишчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш устувор аҳамиятга эга масалалар экани таъкидланди.

Шунингдек, йиғилишда масъулларга ижроси кечикаётган вазифаларни ўз вақтида бажариш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

«Халқ сўзи».

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси:

ИШЛАШ ЭРКИНЛИГИ ВА ҲУҚУҚЛАР ТЕНГЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар ҳар соҳада янгиланиш, имкониятлардан фойдаланиш, айниқса, меҳнат ва у билан боғлиқ муносабатларни қонун доирасида амалга оширишни тақозо этади. Шу боис янги таҳрирдаги Меҳнат кодексида фуқароларни ишга жалб қилишнинг янги шакллари ўз ифодасини топди.

Тарғибот

Айни кунларда жойларда ушбу Кодекснинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган семинарлар, тадбирлар ўтказилмоқда.

Хусусан, Гулистон давлат университетида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, олимлар иштирокида ташкил этилган семинарда ҳам янги Кодекснинг мазмун-моҳияти кенг тушунтирилди.

Таъкидланганидек, амалдаги Меҳнат кодекси 1995 йилда қабул қилинган бўлиб, ҳозирги замон талабларига мос келмайди. Хусусан, пандемия шароитида корхона, ташкилот ва идоралар ходимлари масофадан ишлаш тизимига ўтишига тўғри келди. Аммо бундай вазиятда иш берувчи ёки ишчи ходимларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимояловчи ёки тартибга солувчи нормалар мавжуд эмаслиги амалиётда бир қатор муаммоларни келтириб чиқарди. 2

ҚОНУН ИЖРОСИ ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуннинг Ички ишлар вазирлиги тизимида ижро этилишини ўрганиш якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди.

Йиғилиш

Қуйи палата депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура масъул раҳбар ва ходимлари иштирок этган йиғилишда сўнгги йилларда мамлакатимизда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоялашга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилингани таъкидланди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жараёни ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳасини қамраб олди. Айниқса, узоқ вақтдан буён Ўзбекистон фуқаролигини олишга оид тўпланиб қолган кўп масалалар ҳуқуқий ислоҳотлар билан ўз ечимини топмоқда.

Янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши туфайли Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг олиниши ва тугатилиши соҳасидаги маъмурий тартиб-таомиллар янада соддалаштирилди. Қолаверса, шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш ва бекор қилиш борасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари мустаҳкамланди.

1991 йил сентябрь ойидан 2016 йилнинг декабрь ойига қадар жами 484 нафар шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олган бўлса, 2020 йилда янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан мамлакатимиз ҳудудида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган 50 мингга яқин шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тан олинди.

Ички ишлар ва Ташқи ишлар вазирликлари ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар томонидан “E-Fuqaro” идоралараро маълумотлар базаси яратилди. Мазкур база орқали фуқаролик масалалари бўйича тушган аризалар идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан манфаатдор вазирликлар ва идоралар ўртасида кўриб чиқиш ҳамда уларга тегишли муносабат билдириш тартиби жорий қилинди.

Шунингдек, ушбу база яратилиши орқали Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш, фуқаролигини тиклаш, тан олиш, фуқаролигидан чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш бўйича ягона маълумотлар базаси шакллантирилди. Бу, ўз навбатида, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги билан боғлиқ мурожаатларини кўриб чиқиш муддатлари кескин қисқаришига олиб келди.

Йиғилишда Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг Тошкент, Фарғона ҳамда Сурхондарё вилоятларидаги ўрганишларига, шунингдек, Ички ишлар бошқармаларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармалари ҳамда уларнинг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ҳолати ҳамда маъмурий амалиёт фаолиятига ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида учраётган муаммоларга алоҳида эътибор қаратилиб, муҳим таклифлар илгари сурилди.

Йиғилиш якунида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олиш ва тугатиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётда тўлиқ ишлашини ва соҳада қонун устуворлигини таъминлаш, тизимли муаммоларни бартараф қилиш, шунингдек, бу борада таъсирчан парламент назоратини олиб бориш вазифалари акс этган тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН ОҚИЛОНА ВА ЎРИНЛИ ФОЙДАЛАНИЛЯПТИМИ?

Кейинги йилларда юртимизда ер участкаларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш, уларни муҳофаза қилиш ҳамда янги ерларни ўзлаштириш ва қайта муомалага киритиш борасида тизимли ишлар амалга ошириб келинаётганидан кўпчиликнинг яхши хабари бор.

Мушоҳада

Бундан кўзланган мақсад эса ўз-ўзидан тушунарли. Яъни бугун ерга оид мулкий ва ҳуқуқий муносабатларда барқарорликни таъминлаш, ерларни муҳофаза қилиш, ер эгаларининг мулкий ҳуқуқларини кафолатлаш, шунингдек, ернинг иқтисодий қийматини белгилаш орқали уни фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида эркин муомалага киритиш устувор вазифалардан саналади. Айни чоғда иқтисодиётни тизимли йўлга қўйиш, хусусан, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш борасида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун ерлардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш ўта муҳим.

Мана шундай бир шароитда айрим ҳудудларимизда ер қонунчилигига риоя қилмаслик, ер участкаларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш, ноқонуний қурилмалар қуриш, шунингдек, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳолатлари учраётганлиги таассуфлидир, албатта.

Президентимизнинг 2022 йил 21 февралдаги “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси масаласи Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда Прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси билан биргаликда Навоий вилояти мисолида ўрганилганида ҳам шу сингари салбий ҳолатларга дуч келинди. 2

ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШ ЎЗ-ЎЗИДАН БЎЛМАЙДИ

Етакчи халқаро ташкилотлар дунё иқтисодиётидаги мавжуд вазият ва яқин келажакдаги эҳтимолий ҳолатлар ҳақида ўз прогнозларини тақдим қилмоқда. Табиийки, бир тарафдан пандемиянинг таъсири ҳали-ҳануз давом этаётган, бошқа томондан эса жаҳоннинг турли минтақаларида қуролли можаролар кучайиб, савдо ва инвестиция оқимлари издан чиққан, озиқ-овқат ҳамда энергетика хавфсизлигини таъминлаш борасидаги муаммолар янада кескинлашган шароитда прогнозлар ҳам умидбахш эмас. Масалан, Халқаро валюта фонди (ХВФ) 11 октябрь куни 2023 йил учун иқтисодий тахминларини янгилаб, яқин келажакда дунё аҳлини қимматчилик кутаётганини баён қилди.

Таҳлил

Бу маълумотлар шунчаки рақамлар эмас

Мазкур фонд экспертлари фикрларига кўра урушлар, инфляция ошиб бораётгани, бизнес ва шахсий кредит учун фоиз кўтарилаётгани келгуси йил барча давлатлар учун қийин кечиши эҳтимолидан далолат беради. Маълумки, 190 мамлакат аъзоси ҳисобланган ушбу ташкилот қуйи фоизларда қарз бериб, дунё бўйлаб иқтисодий тараққиётни таъминлашни тарғиб қилиб келмоқда. Қашшоқликка қарши курашишни мақсад қилган Жаҳон банки ва у билан ёнма-ён ишлайдиган ХВФ жорий ҳафта АҚШ пойтахтида йиллик мажлисларини ўтказмоқда. Фонд тахминларига кўра, келгуси йил жаҳон иқтисодиёти 2,7 фоизга ўсиши мумкин. Таъкидлаш керакки, жорий йилнинг июль ойида бу тахмин 2,9 фоизни кўрсатган эди. Жорий йил учун ХВФ 3,2 фоизни қайд этган, бу — 2021 йилдаги ўсишнинг ярми. 4

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2022 йил 5 ноябрь

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

1 Муҳокамада Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари Илҳом Норқулов, БМТ Тараққиёт дастурининг табиат, иқлим ва энергетика соҳаси раҳбари Лаура Алтингер, Осиё тараққиёт банкининг етакчи иқтисодчиси Чигдем Акин, Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг иқлим стратегияси бўйича бўлим бошлиғи Анвар Насретдинов ҳамда бир қатор халқаро экспертлар иштирок этдилар.

Давра суҳбатида Ўзбекистон иқлим ўзгариши хавфи юқори давлатлардан бири ҳисобланиши, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш зарурлиги ҳисобга олинган ҳолда "яшил иқтисодиёт"га ўтиш Тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган урғуланди.

Сув ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг салбий таъсирини камайтириш, институционал ва қонунчилик базасини ривожлантириш, "яшил технология"лардан фойдаланишга ўтиш ҳамда ушбу йўналишлар бўйича ҳамкорликни кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди.

— "Яшил иқтисодиёт"га ўтиш учун, аввало, мамлакатда муҳит яратиш, фирма ва компанияларга бунинг афзалликларини кўрсатиш керак, — дейди Франция тараққиёт агентлигининг "яшил иқтисодиёт" бўйича мутахассиси Ком Дешери. — Ўзбекистон бу мавзуга жиддий эътибор қаратмоқда ва ишни шу йўналишдан бошлагани диққатга сазовор. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари, хусусий бизнес вакилларига давлат томонидан кўплаб имтиёзлар, енгилликлар берилмоқда. Бунинг исботини муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш давлат томонидан рағбатлантирилаётганида ҳам кўриш мумкин.

"Энергетика сектори: иқтисодий ўсиш ва хорижий инвестицияларнинг асосий омили" мавзуида эса алоҳида учрашув уюштирилди. Ушбу муҳокаманинг мақсади — энергетика соҳасида давом этаётган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг муваффақияти ва муаммолари юзасидан фикр алмашишдир. Хусусан, ҳукумат хусусий секторни молиялаштириш, эксперт билимлари, кўникмалари ва самарадорлигини давлат сектори лойиҳаларига жалб қилиш мақсадида давлат-хусусий шериклик дастури ижросини бошлади.

Осиё тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан қўллаб-қувватланган давлат-хусусий шериклик инвестициялари бугунги кунда энергия ишлаб чиқариш соҳасида тўпланган бўлиб, ҳукумат 8,9 ГВт электр энергиясини ишлаб чиқариш учун 19 та лойиҳани амалга оширмоқда, умумий ҳажмдан 2,9 ГВт шамол ва қуёш энергияси каби қайта тикланадиган энергетика манбаларини шакллантиришга тўғри келади.

Тадбирда таъкидланганидек, ҳукумат қайта тикланадиган энергетикадан фойдаланиш орқали "яшил иқтисодиёт"га ўтишга интилмоқда. Ўзбекистон қайта тикланадиган энергия манбаларини 2026 йилга бориб 8000 МВт ва 2030 йилдан эса 12000 МВтга оширишни, умумий ишлаб чиқаришдаги улушини 25 фоизга етказишни мақсад қилган.

Форум доирасида ўтган "Ташқи савдо, логистика ва саноат сиёсати" мавзуидаги давра суҳбати пандемия ва давом этаётган геосиёсий кескинликларнинг Ўзбекистон иқтисодиётига салбий таъсирини ўрганиш имкониятини берди. Муаммоларга ечим топиш барқарорликни сақлаш, экспорт бозорларини диверсификациялаш, юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар улушини оширишни ва рақамли иқтисодиётга ўтишни тезлаштиришни талаб қилади.

Тадбирда саноат сиёсатини такомиллаштириш ва савдони либераллаштириш, халқаро ташкилотлар ва инвесторлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, минтақавий ва глобал савдо шартномаларига қўшилиш мақсадлари муҳокама қилинди. Иштирокчилар минтақавий интеграция ва Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш, самарали савдо сиёсати ва глобал қиймат занжирларининг интеграциясини чуқурлаштиришнинг аҳамияти, ўзгарувчан дунё тартибидаги янги саноат сиёсати, махсус иқтисодий зоналар, рақобат сиёсати ва рақобатдош устунликларга эга асосий тармоқлар ҳамда транспорт ва логистика хизматлари бозорини ривожлантириш имкониятлари юзасидан фикр алмашдилар.

Қулай бизнес муҳити учун зарурий шарт-шароитлар — навбатдаги панел муҳокамаси учун бош мавзу бўлди. Унда мамлакатнинг бизнес юритиш шарт-шароитларини осонлаштириш борасидаги ютуқлари ва ечимини кутаётган келгуси вазифалар муҳокама қилинди. Бизнес юритишда молиявий ва вақт харажатларини камайтириш, коррупцияга қарши курашиш, кичик ва ўрта корхоналарнинг ўсишини қўллаб-қувватлаш учун солиқ стандартларини ислоҳ этиш, давлат томонидан тўғридан-тўғри ёрдам чоралари ва алоқа тизимларини такомиллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон томонидан амалга оширилган йирик ислоҳотлар мамлакатга бизнес юритиш қулайлиги бўйича энг ривожланган иқтисодиётлардан жой олишга имкон бермоқда. Мамлакат бизнес учун қулай шарт-шароитларни яратиш йўлида компаниялар ва инвесторлар учун тўсиқларни бартараф этиш устида астойдил иш олиб бораётгани ҳам айтилди.

"Демографик ўсиш, инсон капитали ва миграция: хатарлардан имкониятлар сари" деб номланган давра суҳбатида Ўзбекистоннинг аҳолининг заиф қатламларини ижтимоий муҳофаза қилишни ривожлантириш орқали демографик ўсишдан максимал даражада фойдаланиш режалари кўриб чиқилди. Айни чоғда таълим ислоҳоти Ўзбекистон кун тартибида биринчи ўринда туради, чунки у ўсиб келаётган аҳолига глобал иқтисодиётда рақобат ва фаровонлик учун зарур бўлган воситаларни тақдим этади.

Панел сессияда экспертлар таълим сифатини яхшилашнинг аҳамияти, меҳнат бозорининг ҳозирги ва келажакдаги эҳтиёжларини қондирадиган малака ошириш тизимини яратиш учун давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик, истиқболдаги режалар, келажакдаги иш жойлари учун кўникмаларни кенгайтириш усуллари, камбағаллик ва ижтимоий изоляциянинг таркибий сабабларини бартараф этиш учун ижтимоий ҳимоя, бандлик, таълим ва соғлиқни сақлаш сиёсатини ҳар томонлама равнақ топтириш юзасидан фикр алмашдилар.

Форум доирасида ўтган сўнгги давра суҳбати "Инфратузилмани ривожлантириш орқали мамлакат салоҳиятини ошириш" мавзуида бўлди. Иштирокчилар тўпланган тажриба, келгуси беш йил учун лойиҳалар ва мақсадлар, потенциал имкониятлар юзасидан фикрлашдилар.

Шунингдек, экспертлар томонидан аҳоли ва корхоналарни электр энергияси ва газ ресурслари билан барқарор таъминлаш, денгизга чиқиш имконияти бўлмаган мамлакатларда йўловчилар ва юк ташиш имкониятларини кенгайтириш ва харажатларни камайтириш, маълумот алмашиш тизимини кенгайтириш ва телекоммуникация инфратузилмасининг ролини ошириш, ишлаб чиқариш омилларининг эркинлигини таъминлаш ва харажатларни камайтириш масалалари қизғин муҳокама қилинди.

Умуман олганда, "Инсон манфаатларини иқтисодий ислоҳотларнинг бош мазмунига айлантириш" мавзуидаги II Ўзбекистон халқаро иқтисодий форуми нуфузли дунёвий ташкилотлар, етакчи хорижий компаниялар ва таниқли экспертлар иштирокида илғор тажрибаларни муҳокама этиш ҳамда биргаликда умумий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш учун қулай майдон бўлиб хизмат қилди.

«Халқ сўзи».

Сўз — форум иштирокчиларига

Алкис ДРАКИНОС,
Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари:

— Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган бундай кенг кўламли тадбирда қатнашганимдан мамнунман. Ушбу анжуман орқали Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳақида кўпроқ маълумот олиш имконига эга бўлдик.

Мамлакат раҳбарияти халқ манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўяди. Бу ҳақда Президентнинг форум иштирокчиларига мурожаатида ҳам айтиб ўтилди. Аслида ҳам Ўзбекистон Президенти ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг мақбул йўлини танлади, бу йўлдан мамлакат дадил қадам ташламоқда. Келажакда ҳам муҳим ҳамкоримиз бўлган Ўзбекистонни қўллаб-қувватлашга тайёрмиз. Охирги беш йил давомида қарийб 3 миллиард долларлик 80 га яқин лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширдик. Бу борадаги ўзаро ҳамкорлигимиз, албатта, давом этади.

Жихад АЗУР,
Халқаро валюта фондининг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё департаменти директори:

— Форум доирасида биз минтақавий иқтисодиётни ривожлантириш, мамлакатлар олдида турган вазифалар ва жорий йилда юзага келган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган асосий иқтисодий сиёсатни муҳокама қилдик. Шуни таъкидламоқчиманки, инфляцияга қарши курашиш мақсадида кўплаб мамлакатларнинг марказий банклари ҳисоб ставкасини, фоиз ставкаларини оширмоқда, пул-кредит сиёсатини қаттиқлаштирмоқда.

Мана шундай вазиятда, қолаверса, геосиёсий муаммолар, зиддиятлар, таъминот занжирларидаги узилишларга қарамай, Ўзбекистон иқтисодиёти ўзининг барқарорлигини кўрсатди, пандемиядан кейинги даврда қайта тикланишнинг етарлича тезкор суръатини намойиш этди. Ўзбекистон тузилмавий ислоҳотларни бошқа тармоқларда, хусусан, иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалигида ҳам муваффақиятли ўтказишга эришди.

Гаянэ УМЕРОВА,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори:

— Охирги йилларда Ўзбекистонда креатив индустрия ривожи янгича суръатда шиддатли тус олди. Жамғармамиз яқин вақтларда жаҳон майдонида Ўзбекистоннинг ушбу соҳада муҳим иштирокчи сифатидаги мақомини мустаҳкамлашни ўзининг асосий вазифаларидан бири сифатида кўради.

Биз, мамлакат маданий мероси, камол топаётган ёшлар ва жадал ривожланаётган санъат соҳасида қандай улкан салоҳият борлигини яхши тушунамиз. Жамғарма томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар маданият ва санъат бобида мамлакатимизнинг салоҳиятини янада оширишга, минтақада етакчи ўринни мустаҳкамлашига имкон беради, деган умиддаман.

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси:

ИШЛАШ ЭРКИНЛИГИ ВА ҲУҚУҚЛАР ТЕНГЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ

1 Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексида меҳнат муносабатларига доир қатор янги нормалар акс этди. Ушбу ҳужжатнинг ҳажми амалдагисига нисбатан деярли уч баробар катта бўлиб, 600 га яқин моддаларни ўз ичига олган.

Мазкур Кодекс истиқболда кичик бизнес субъектлари ва якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланадиган аҳоли меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишга имкон беради. Расмий ва норасмий тармоқда мавсумий иш билан банд бўлганларнинг меҳнат ҳуқуқларини тартибга солишдаги бўшлиқлар ва қарама-қаршиликларни бартараф этади.

Семинарда ушбу ҳужжат соҳадаги қатор муаммоларни, меҳнат бозоридаги вазиятни инобатга олиб, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда қонуний ечим топишда, ишлаган ишига, иш берувчи эса киритган сармоясига муносиб тарзда эътибор ва рағбатга эга бўлишини кафолатлайдиган муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши таъкидланди.

Семинарда иштирокчилар томонидан кўтарилган барча саволларга депутат ва сенаторлар томонидан батафсил жавоблар берилди.

"Мили текстиль Сирдарё" масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бугунги кунда Хитой ва Туркия давлатларига экспорт қилинмоқда.

Қонунчилик палатаси депутатлари вилоятдаги учрашувлари чоғида мазкур корхонада ҳам бўлиб, ишчиларга янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг мазмун-моҳиятини тушунтирди. Очиқ мулоқотларда ҳужжатда акс этган янгиликлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Айтилганидек, амалдаги Кодекснинг фойдаланиш кўлами, асосан, давлат ташкилотлари ва саноатнинг йирик корхоналарига қаратилган бўлиб, кичик бизнес ва ЯТТда ишлайдиган шахсларнинг меҳнатини ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятлари ҳисобга олинмаган. Шунингдек, айрим тоифадаги ходимларнинг меҳнатини тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари акс этмаган. Хусусан, касаначилар, ЯТТда ёлланма асосида ишловчилар, ўриндошлар, вақтинчалик ва мавсумий ишчилар, сменали ишчилар, масофавий ишчилар ҳуқуқ ва манфаатлари белгиланмаган.

Янги Кодексга бандлик, индивидуал меҳнат муносабатлари, ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиш, меҳнат низоларини кўриб чиқишни назарда тутувчи нормалар қўшилди.

Тадбирда илгариги Меҳнат кодексида муддатли меҳнат шартномасини тузиш учун фақат 3 та асос мавжуд бўлган бўлса, янги Кодексда 19 та асос келтирилгани, ушбу асосларнинг кенгайиши бизнес юритиш ва жадал суръатларда ўзгарувчан бозор шароитларига тезкор мослашиш имконини бериши таъкидланди.

Иқтисодий сабабларга кўра меҳнат шартномасини ўзгартириш ва бекор қилишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилгани, ходимнинг пенсия ёшига етгани муносабати билан иш берувчининг ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш асоси чиқариб ташлангани қайд этилди.

Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда сенаторлар томонидан мазкур учрашувлар доирасида вилоятдаги бир қатор корхоналар, ташкилот ва идоралар, олий таълим муассасаларида ҳам фуқароларга янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг аҳамияти тушунтирилди.

«Халқ сўзи».

ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН ОҚИЛОНА ВА ЎРИНЛИ ФОЙДАЛАНИЛЯПТИМИ?

1 Масалан, Навоий вилоятида 350 та ҳолатда ер майдони ўзбошимчалик билан эгалланиб, мазкур ерларнинг 41 гектарида 192 та ноқонуний қурилиш қилингани, шу билан бирга, қонун бузилиши ҳолатлари бўйича 31 та жиноят иши қўзғатилиб, ноқонуний эгалланган майдонларни захирага қайтариш ҳақида судларга 136 та даъво ариза киритилгани ҳамда 80 та ноқонуний қурилма буздирилгани аниқланди. Шу каби саъй-ҳаракатларга қарамасдан, вилоят бўйича ўзбошимчалик билан эгалланган ер майдонининг 15,7 гектари ҳали-ҳамон давлат захирасига қайтарилмаган ҳамда аниқланган ноқонуний қурилмаларнинг қарийб 112 таси бартараф этилмаган.

Боз устига, қарор ижроси юзасидан Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Сув хўжалиги вазирликлари тизимидаги ташкилотлар ҳамда "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ томонидан ўзига тегишли ер участкалари тўлиқ хатловдан ўтказилмаган. Қизилтепа туманида 5 та, Хатирчида 2 та, Навбаҳорда битта ҳамда Навоий шаҳридаги битта умумий ўрта таълим мактабининг тегишли ерларида ноқонуний қурилишлар амалга оширилган. Қолаверса, Қизилтепа тумани тиббиёт бирлашмасига тегишли ер участкаларида, Тошкент — Бухоро электрлаштирилган темир йўлининг Навоий вилояти ҳудудидан ўтган қисмида, газ қувурлари ҳимоя минтақасида, юқори кучланишли электр линияларида, сув хўжалиги, ўрмон хўжалиги ерларида ҳам ноқонуний қурилишлар амалга оширилганки, бу ҳам жойлардаги мутасаддиларнинг ерга бўлган муносабати қандайлигини кўрсатиб турибди.

Шу ўринда айтиш жоизки, ушбу масала Сенат, хусусан, қўмитамизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Хусусан, яқинда қўмита йиғилишида ўрганиш натижаси чуқур таҳлил қилиниб, мутасаддиларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилган эди. Масалан, Навоий вилояти ҳокимлигига ер майдонларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилиши юзасидан мониторинг ўтказилишини таъминлаш, ноқонуний равишда ер участкаларини тўғридан-тўғри ажратиш, фойдаланишга бериш, захирага олиш, бириктириш ёки бошқача йўллар билан тасарруф қилиш ҳолатларига чек қўйиш вазифалари юклатилди.

Табиийки, мазкур масала бундан кейин ҳам қўмитамизнинг назоратида бўлади.

Шуҳрат ЧЎЛЛИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари.

Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш:

МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан "Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасидаги долзарб масалалар: муаммо ва ечим" мавзуида семинар ўтказилди.

Семинар

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда барча соҳада бўлгани каби қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш, механизациялаш, айниқса, чекланган сув захираларидан унумли фойдаланиш, бунда соҳага инновацияни кенг жорий этиш орқали сувни тежайдиган технологияларни жалб қилиш, ирригация объектларини қуриш ҳамда реконструкциялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Конституциямизнинг 55-моддасида ҳам ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлик эканлиги, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва айниқса, улар давлат муҳофазасидалиги алоҳида белгилаб қўйилганлиги ҳам бежиз эмаслиги депутатлар томонидан қайд этилди.

Маълумотларга қараганда, глобал иқлим ўзгариши натижасида сўнгги 50 — 60 йил давомида Марказий Осиёда музликлар майдони тахминан 30 фоизга қисқарган. 2050 йилгача Сирдарё ҳавзасида сув ресурслари 5 фоизга, Амударё ҳавзасида 15 фоизгача камайиши кутиляпти. Биргина Ўзбекистоннинг ўзида 2030 йилга бориб сувга бўлган талаб 7 миллиард куб метрни ташкил этиши, 2050 йилга бориб эса мазкур кўрсаткич икки баробар ортиши мумкин.

Мамлакатимизда аҳоли сони жадал суръатда ўсиб бориши ҳамда сувдан фойдаланиш самарадорлиги пастлиги ҳисобига сўнгги 15 йилда аҳоли жон бошига сув таъминоти тахминан икки баробар қисқарган. 2030 йилга бориб аҳолининг сифатли сувга бўлган талаби эса 18 — 20 фоизга ортиши кутиляпти.

Шу боис ушбу масала бугун ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ. Аксинча, мамлакатимизда сув захираларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги унумдорлигини ошириш орқали озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳар қачонгидан ҳам устувор масалага айланди.

Йиғилишда қайд этилганидек, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни тежаш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш белгиланган. Бунда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига камида 7 миллиард куб метр сувни иқтисод қилиш, сув хўжалиги объектларида электр энергияси истеъмолини камайтириш, сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида бошқариш бўйича вазифалар белгиланган ва бугунги кунда уларнинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Семинар давомида тадбир иштирокчилари бугунги кун талаб ва таклифлари ҳамда шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш билан боғлиқ амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тўхталиб ўтди.

Жумладан, мамлакатимизда 2020 — 2030 йилларда аҳолини ва иқтисодиётнинг барча тармоғини сув билан барқарор таъминлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалиги объектларининг ишончли ишлашига эришиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг Фармони билан Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепцияси қабул қилинди.

Унинг доирасида бугунги кунда сув ресурсларини прогнозлаштириш, ҳисобини юритиш, сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ривожлантириш, сув омборлари ва сув хўжалиги объектларининг хавфсизлиги ҳамда ишончли ишлашини таъминлаш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Тадбирда ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасида ўз ечимини кутаётган масалалар атрофлича муҳокама қилиниб, сув захираларидан унумли фойдаланиш, соҳага инновацияни кенг жорий этиш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Семинарда соҳа истиқболига қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

КЕЛАЖАКНИНГ ИШОНЧЛИ ВОРИСЛАРИ

Самарқанд шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеясининг кузги сессияси доирасида уюштирилган МДҲ Ёшлар парламентлараро ассамблеяси йиғилиши кўтаринки руҳда ўтгани билан аҳамиятли бўлди.

Фикр

Ўзбекистон, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қирғизистон, Россия, Тожикистон вакиллари жам бўлган йиғилишда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим олиши учун яратилаётган шароитлар, бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида маълумот берилди.

Ёшлар — жамиятнинг туб негизи, аҳолининг илғор қатлами, келажакнинг ишончли ворислари ҳисобланади. Ҳар бир давр ёшларининг билим даражаси, дунёқараши, ўй-фикри, маънавий қиёфасига қараб ўша жамиятнинг эртанги кунини тасаввур этиш мумкин.

Шу жиҳатдан, Президентимиз раҳбарлигида юртимизда ёш авлоднинг соғлом бўлиб ўсиши, сифатли таълим олиши ва баркамол шахс бўлиб вояга етишини таъминлаш, уларнинг ахборот технологиялари ва китоб ўқишга бўлган қизиқишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган улкан ишлар қилинаётир.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг ижчил ва самарали амалга оширилиши замирида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, юрт истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ташаббускор ва шижоатли ёш авлодни вояга етказиш каби эзгу мақсадлар мужассам.

Олий Мажлис палаталари ҳузурида ташкил этилган Ёшлар парламентлари йигит-қизларимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнларда иштирокини таъминлаш ва ҳуқуқий фаоллигини янада оширишга хизмат қилмоқда. Ёшлар парламенти эртамиз эгаларининг ўз фикрларини ёрқин ифода этишлари учун юқори стендга айланмоқда.

Қонунчилик палатасидаги Ёшлар масалалари бўйича комиссия ҳам ўз олдига қўйилган устувор вазифаларни муваффақиятли адо этиб келмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида комиссия томонидан ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва саводхонлигини ошириш, қонунчилик ва қонун ижодкорлиги жараёнига жалб қилиш ҳамда янги қонунларни ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш орқали уларнинг парламент ҳаётига дахлдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Биргина 2021 йилда Қонунчилик палатасига киритилган 50 га яқин қонун лойиҳалари бўйича таклифлар, 2022 йилнинг 9 ойи давомида эса комиссия томонидан 23 та қонун лойиҳаси бўйича 54 та таклиф тайёрланди.

Йиғилишда иштирокчиларга юртимизда сўнгги йилларда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқариш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар хусусида батафсил маълумотлар бердик. Ўз навбатида, улар Ўзбекистон тажрибасини ижобий баҳолаб, ислоҳотлар натижалари ёшлар эришган ютуқларда, улар учун яратилган шароитларда яққол намоён бўлаётганини эътироф этишди.

Асосийси, бундай тадбирлар нафақат парламент аъзоларини бирлаштиради, балки ёшларни ҳам яқинлаштиради, ижобий ва илғор тажрибаларни уйғунлаштиради.

Муҳаммад ВАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ТАДБИРКОРЛИКНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

ДАВЛАТИМИЗ СИЁСАТИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ

Мамлакатимизда тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки тадбиркорлар ўзини ўзи банд қилиш асосида, янги иш ўринлари очиб, миллий иқтисодиётимиз равнақига беқиёс ҳисса қўшиб келмоқда. Тадбиркор фаолияти, энг аввало, натижага йўналтирилгани билан аҳамиятли. Шу жиҳатдан улар бозор иқтисодиёти ва очиқ рақобат шароитида ўз устида тинимсиз изланишади, моддий бойликлар яратиб, элга ҳам, ўзига ҳам наф келтиради.

Очиқ мулоқот: натижа ва хулоса

Сўнгги икки йилда анъанавий тарзда ўтказилаётган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти натижасида соҳа вакиллари учун концептуал янгиликлар ва қулайликлар яратиб берилмоқда. Тан олиш керак, бугунги кун ишбилармони "Эртага келиб мени ҳеч ким текширмасмикан, мол-мулким дахлсизлигига ким кафил бўлар экан?" деган хавотир билан эмас, балки бизнесига ва эртанги кунига қатъий ишонч билан фаолият олиб бориши лозим.

Шу жиҳатдан олганда, тадбиркорлик соҳасидаги сўнгги ўзгаришлар тенденциясига назар ташлайдиган бўлсак, текширувларни либераллаштириш ва улар фаолиятига асоссиз аралашишга йўл қўймасликка катта эътибор берилмоқда. Бугунги кунга қадар тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш бўйича 9 619 та буюртма келиб тушган бўлса, уларнинг 5 мингтаси текширув ўтказиш учун қонуний асослар йўқлиги боис рад этилган. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятида ноқонуний ўтказилган текширувлар бўйича 2 мингдан зиёд таъсир чоралари қўлланилган ва 1 877 та маъмурий баённома расмийлаштирилиб, судга юборилган. Шунингдек, давлат ташкилотларига 127 та тақдимнома киритилиб, мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилган.

Жорий йил тадбиркорлар билан бўлиб ўтган очиқ мулоқотда давлатимиз раҳбари солиқ текширувларига оид жарималар тури кўплиги ва оғирлиги бўйича мурожаатлар сони ортиб бораётгани ҳақида таъкидлаб ўтди.

Мисол учун ойига ўртача 1 миллион сўм солиқ тўлайдиган кичик тадбиркорларга 5 миллиондан 10 миллион сўмгача молиявий жарима қўлланилмоқда. Яъни кичик тадбиркорлар учун ҳам, йирик корхоналар учун ҳам жазо бир хиллиги қайд этилди. Шу боис Юртбошимиз томонидан барча турдаги текширувлар Бизнес-омбудсман томонидан мувофиқлаштирилиши, жарималар миқдори тадбиркор тўлаётган солиқ миқдоридан ошмаслиги кераклигини таъкидлаб, тадбиркорларнинг таклифларини чуқур ўрганиб, текширувлар муддатларини қисқартириш, молиявий хато ва камчиликларнинг минимал чегаравий миқдорини белгилаш бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Айни чоғда, тадбиркорлик фаолиятида назорат органларининг такрорланадиган ва замон талабларига мос келмайдиган 20 дан ортиқ назорат функцияларини мақбуллаштириш топшириғи берилди.

Мазкур устувор вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олдини олиш мақсадида шу йил 13 сентябрь куни Президент қарори билан "Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ва профилактика тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом тасдиқланди.

Ушбу Низомнинг қабул қилиниши назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари олдидаги масъулиятини янада ошириш ва фаолияти очиқлигини таъминлашга хизмат қилади. Чунки унга кўра, 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувлар "Ягона давлат назорати" ахборот тизимида рўйхатга олиниши ва унда рўйхатга олинмаган текширувларни ўтказиш ноқонуний ҳисобланиши қатъий белгилаб қўйилди.

Қолаверса, мазкур Низом орқали 2023 йил 1 январдан бошлаб назорат қилувчи органларга "Ягона давлат назорати" ахборот тизимидаги давлат назорати функциялари реестрига киритилмаган функциялар бўйича тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш тақиқланади.

Аҳамиятли томони, эндиликда назорат қилувчи орган "хавфни таҳлил этиш" тизими натижаларига асосан ўтказиладиган текширувларнинг бошланиши ҳақида камида ўн иш куни олдин тадбиркорлик субъектини унинг ахборот тизимидаги шахсий кабинети ёки почта алоқаси орқали хабардор қилиши шарт. Тадбиркорлик субъектини текширув ҳақида белгиланган тартибда хабардор этмасдан текширув ўтказишга йўл қўйилмайди.

Хабарнома тадбиркорлик субъектига ахборот тизими орқали йўлланади ва ушбу тизимнинг маълумоти билан тасдиқланади ёки почта орқали буюртма хат билан тадбиркорлик субъектига жўнатилади ва у жўнатилгандан кейин уч кун ўтгач топширилган ҳисобланади. Тадбиркорлик субъекти ўз сўровига кўра ўтказилаётган текширув ҳақидаги ахборотни ахборот тизимидан бепул реал вақт режимида интернет тармоғи орқали ёки қисқа хабар (SMS) кўринишида олиши мумкин.

Айни ислоҳотларнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, эндиликда тадбиркорлар фаолиятидан камчилик қидириш ва уни жазолаш эмас, балки унга аввалбошдан ишни тўғри ташкил қилишни ўргатиш ва қайси хатти-ҳаракатлар қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги хусусида профилактик тадбирлар ўтказиш орқали тушунтириб бориш устуворлик касб этаётир.

Янги қабул қилинган Низомга кўра, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказилишига қонунбузилишларга йўл қўйилишининг олдини олиш бўйича профилактика тадбирлари белгиланган тартибда ўтказилгандан сўнггина йўл қўйилади. Бундан солиқ текширувлари, жиноят ишлари ва тез-кор-қидирув фаолияти доирасида, шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари бузилиши ҳақидаги мурожаатлар ва маълумотлар асосида ўтказиладиган текширувлар мустасно.

Асосийси, барча жараён "Ягона давлат назорати" ахборот тизимига маълумотларни киритиб бориш орқали таҳлил қилинади. Ва юқоридаги қулайликлар пировардида тадбиркорга ҳар томонлама эркинлик яратиб, уларнинг нафақат сон, балки сифат ва мазмун жиҳатидан юксалишига, йирик лойиҳаларнинг йилдан-йилга ўсишига ва дунё миқёсига чиқа оладиган замонавий ва етакчи корхоналар пайдо бўлишига хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтганда, ҳозир дунёда рўй бераётган мураккаб иқтисодий ўзгаришлар шароитида тадбиркорларимизга ўз фаолиятини самарали юритиши учун керакли ва зарур шарт-шароитларни яратиб берсак, улар фаолиятига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган ҳар қандай ортиқча чекловларни олиб ташласак, тадбиркорларимиз учун беқиёс кўмаклашган бўламиз. Бу эса иқтисодиётимиз юксалиши, халқимиз фаровонлигига хизмат қилади.

Дилмурод ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил.

Мулоҳаза

Тарихий воқеалар ҳар куни содир бўлавермайди. Бу — ҳаёт ҳақиқати. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясидаги нутқи чиндан-да тарихий воқеа бўлди, десак, муболаға эмас. Чунки унда илк бор давлатимиз раҳбари ўзбек тилида гапирди. Жаҳоннинг энг нуфузли минбарида Навоий тили, темурийлар каломи, мангубердилар лутфи биринчи марта аслича янгради.

Гендер стратегияси:

МАНФААТЛАР ВА МУНОСАБАТЛАР МУВОЗАНАТИ

Юртбошимиз бугунги дунёнинг глобал муаммолари, тинчлик ва хавфсизликка таҳдидлар хусусида сўз юритар экан, тўпланиб қолган масалалар ечими юзасидан аниқ таклифлар киритиш билан халқаро ҳамжамиятнинг диққатини ўзига қаратди. Жамият аъзоларининг ўзаро муносабатларидаги ўзига хос мувозанатга оид фикрлар ҳам эътибордан четда қолмади. "Биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучаймоқда. Янги парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробарга кўпайди", деганди ўша анжуманда давлатимиз раҳбари. Дарҳақиқат, мамлакатимиз парламентида хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага — 32 фоизга етди ва дунёдаги 190 та парламент орасида 37-ўринга кўтарилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенциянинг аъзоси сифатида ушбу халқаро ҳужжатнинг меъёрларини миллий қонунчиликка уйғунлаштириш масаласига жиддий ёндашмоқда. "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида", "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар қабул қилингани шунга мисол.

Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилиб, истиқболли лойиҳалар тизимли равишда амалга оширилаётганини яна бир ҳужжат исботлаб турибди. У ҳам бўлса, Олий Мажлис Сенатининг 2021 йил 28 майдаги "2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида"ги қароридир. Ўзаро мулоқотларда Гендер стратегияси деб аталадиган мазкур ҳужжат Ватанимиз Конституциясига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, қонунийлик, демократия, очиқлик ва ошкоралик гендер тенгликни таъминлашнинг асосий тамойилларидир.

Сирасини айтганда, сўнгги беш йилда жамият ва давлат ишларини бошқаришда хотин-қизларнинг кенг иштирок этишини таъминлаш, аёлларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уларни тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоялашга қаратилган 25 та қонунчилик ҳужжати қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси, Олий Мажлис Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил этилди.

Ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёлларнинг ўқиш тўловларини қоплаб бериш тизими жорий этилиб, олий ўқув юртларига қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар қизлари учун грантлар сони икки бараварга ортди.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси ҳар йили давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, халқаро муассасалар иштирокида Гендер стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислоҳотлар юзасидан ахборот-таҳлилий шарҳлар тайёрланиши, кенг жамоатчилик муҳокамалари ташкил этилиши ва эълон қилиб борилишини таъминлаяпти.

Гендер тенгликни рағбатлантириш ва унга эришиш учун оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳам муҳим ўрин тутади. Ижтимоий ва сиёсий фаол хотин-қизлар имижини акс эттирувчи, хотин-қизлар ва эркаклар учун яратилган имкониятларни ёритувчи радио-эшиттиришлар ва телекўрсатувлар сони кўпайди.

Хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини кенгайтириш масалалари эндиликда вазирлик ва идоралар кесимида манзилли тарзда давом этмоқда.

Давлат солиқ қўмитасида ўтказилган "Инновацион ёндашув ва креатив фикрлаш — юксак натижа омили" мавзуидаги республика семинар-тренинги ҳам Гендер стратегияси доирасидаги тадбирлардан биридир. Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда барча вазирлик ва идораларнинг хотин-қизлар билан ишлаш бўйича бошланғич ташкилотлари вакиллари бир даврага жамланди. Янги Ўзбекистонда хотин-қизларга давлат сиёсати даражасида улкан эътибор қаратилаётганига ҳаммамиз амалда гувоҳ бўлиб турганимиз, аслида ҳар қандай жамиятнинг қандайлигини унинг аёлларга муносабати билан белгиланиши хусусида аниқ мисолларда сўз юритилди.

Бугун қайси соҳани олманг, ўша йўналишдаги ислоҳотларда хотин-қизлар фаол иштирок этаётгани айни ҳақиқат. Бошқача айтганда, аёлларнинг ўз вазифасига инновацион ёндашуви, мавжуд масалалар моҳияти юзасидан креатив фикрлаши муваффақият омили экани аксиомага айланди.

Ҳозирги кунда давлат солиқ хизмати органларида меҳнат қилаётган ходимлардан 2208 нафари, яъни 17,2 фоизи хотин-қизлардир. Шулардан 136 нафари раҳбарлик лавозимидаги аёллардан иборат. Бундан ташқари, солиқ тизимида раҳбарлик вазифасига захирага олинганларнинг 83 нафарини айнан хотин-қизлар ташкил қилган бўлиб, "Солиқ инспекциясини аёллар ҳам бошқара олади" шиори остида улар масъул лавозимларга тавсия этилмоқда.

Тизимда хотин-қизларга бўлган эътибор, улар учун амалга оширилаётган лойиҳалар тобора кенгайиб бораётганини инобатга олган ҳолда серғайрат ходимларимизнинг ташаббуси асосида "Солиқ хизматининг аёллар қаноти" нодавлат нотижорат ташкилоти таъсис қилинди.

Солиқчи аёлларнинг жамиятдаги мавқеини кўтаришга, уларнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга оид малакаларини чуқурлаштиришга кўмаклашиш, тизимда олима аёллар улушини сезиларли равишда кўпайтириш учун илмий интилишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг солиқ саводхонлигини ошириш юзасидан ўқув курслари ташкил этиш ва бошқа яна кўплаб йўналишлар ушбу ННТнинг асосий мақсад ҳамда вазифалари сирасига киради.

Маълумки, шиддатли даврда ҳар бир масалага инновацион ёндашмасдан, креатив фикр юритмасдан туриб ривожланишга эришиш мушкул. Айниқса, хотин-қизлар билан ишлаш ва уларга қулай шароит яратиш жабҳасида бундай муносабат ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, қўмитамизда аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг оғирини енгил қилиш нуқтаи назаридан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, "Солиқ хизматидаги аёллар" номли электрон платформа яратиб, ҳозир уни такомиллаштириш бўйича кучли мутахассисларни жалб

қилиб, қизғин ишлаяпмиз. Бу лойиҳанинг долзарб жиҳати шундаки, унда солиқчи аёллар ҳақида маълумот онлайн тарзда жамланади. Мисол учун, "Е-кадр"га 10 — 15 та маълумот киритилган бўлса, ушбу платформага ҳар бир хотин-қиз ҳақида камида 30 та маълумот киритилади.

Унда, аввало, аёлларнинг оилавий аҳволи таҳлил қилинади. Уйида ногиронлиги борлар мавжуд ёки йўқлиги, ёлғизлиги ёхуд боқувчисининг шароити, декрет вақтидаги имкониятлари, ёш кесимида чет тилларини ўрганиш хоҳиши, магистратура ёки бакалавр босқичида махсус сиртқи таълим шаклида ўқишга интилиши, уй-жой ва моддий ёрдам билан боғлиқ ҳолати, субсидия ва кредитга эҳтиёжи, гаров таъминотига оид маълумотлар алоҳида-алоҳида графаларда киритилади.

Хуллас, бугун давлат солиқ хизмати органларида меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг барчаси ҳақидаги электрон маълумотлар ана шу платформада тўпланади. Ундан фойдаланиш эса имкон қадар қулайлаштирилади.

Энди савол туғилади: бу қандай ишлайди? Аёллар ҳақида ҳамма маълумотларни билиш яхши, лекин у хотин-қизларнинг кундалик муаммоларини тўлиқ акс эттира олмайдику? Жуда тўғри савол. Ана шу саволга аниқ жавоб топиш учун биз иккинчи лойиҳани ишлаб чиқдик.

"Солиқчи хотин-қизлар мурожаатлари" номли Telegram-бот ташкил қилдик. Ҳар бир аёл шахсини тасдиқловчи маълумот (ЖШШИР) орқали бу ботга бемалол кириб мурожаат йўллайди. Унинг мурожаати қисқа муддатда кўриб чиқилиб, ижобий ҳал қилиш чоралари кўрилади. Агар бу вақт ёки маблағ масаласига бориб тақаладиган бўлса, қўмита раҳбариятига асосланган таклифлар билан билдирги киритилади. Бу тизим ҳозирнинг ўзида ишлаяпти. Асосийси, қатор аёлларимизнинг муаммоларига ечим топилди.

"Солиқ хизматининг аёллар қаноти" жамоат ташкилоти Адлия вазирлигида 2022 йил 20 сентябрь куни расман рўйхатга олинди. Гап шундаки, мана шу ННТни очиш учун серғайрат ходимларимизнинг ўзлари ташаббус кўрсатишди ва ўзлари жамоавий таъсисчи вазифасини бажарди.

Мана шу уч муҳим йўналиш хотин-қизлар билан ишлашимизда бири иккинчисини тўлдирувчи ва мавжуд муаммонинг ечимига элтувчи айланма ҳаракат вазифасини бажаради. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, Telegram-ботга мурожаат йўллаган аёлнинг оилавий аҳволи ва шарт-шароити электрон платформадаги маълумотлар орқали аниқ таҳлил қилинади ҳамда ННТнинг имконият ва ресурслари орқали ечилади.

Гавҳархон МУҚАДДАСОВА,
Давлат солиқ қўмитаси раиси маслаҳатчиси.

Соғлом турмуш тарзи

БИР БАЙРОҚ ОСТИДА БИРЛАШАМИЗ!

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун арафасида мамлакатимизнинг ўн тўртта шаҳрида "Yangi Nafas" спорт мусобақалари бўлиб ўтади. Юртимиз бўйлаб 30 мингга яқин иштирокчилар "Бир Ватанда, бир вақтда, бир масофага, бир мақсадда — бирга югурамиз" шиори остида бирлашади.

Аслида ҳам, юртимизда давлат рамзлари байрамларини нишонлашга бағишланган оммавий мусобақаларнинг ўтказилиши одат тусига кирган. Зотан, уларга бирдамлик, ҳурмат, тенглик ва миллий ифтихор руҳи хосдир. 1991 йил 18 ноябрдан буён давлат байроғи вакилларимизнинг спорт соҳасидаги ютуқларини ифодаловчи рамзга айланиб улгурди. Ҳарбийлар эса қўлларида давлат байроғини тутиб, Ватан ҳимояси учун тантанали равишда қасамёд қилади.

Спорт ҳаётининг ажралмас қисмига айланган янги авлод Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи остида улғайди. Айнан улар ўтказиб келинаётган "Yangi Nafas", "Save Aral" ва "Men G'olib" оммавий югуриш мусобақаларининг доимий иштирокчилари ҳисобланади.

Давлат байроғи кунини нишонлаш доирасида Фарғона, Қўқон, Наманган, Андижон, Чирчиқ, Гулистон, Жиззах, Самарқанд, Қарши, Термиз, Навоий, Бухоро, Урганч, Нукус ва Тошкент аҳолиси "Yangi Nafas" оммавий югуриш мусобақасига қўшилади. Пойтахтимизда шу куни мазкур мусобақалар бир вақтда "Янги Ўзбекистон", "Ашхобод" паркларида ва "Humo Arena" спорт мажмуаси майдонида бўлиб ўтади.

Беллашув масофаси уч километр қилиб белгиланган. Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, ушбу масофа ҳар қандай тайёргарлик даражасига эга иштирокчи учун оптимал ҳисобланади. Тажрибали югурувчилар учун эса дастурга 12 километр узунликдаги масофа киритилган бўлиб, у "Янги Ўзбекистон" боғида ўтади. Оммавий югуриш мусобақасида ногиронлиги бўлган қатнашчиларнинг хавфсиз ва қулай иштирок этишини таъминлашга алоҳида эътибор берилган.

"Yangi Nafas" оммавий югуриш мусобақаси доирасида ҳар бир шаҳарда концерт-кўнгилочар тадбирлар, оммавий флешмоблар ташкил этилади. Ташкилотчилар сифатида Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, "Ўзбекнефтгаз" АЖ, Ўзбекистон триатлон федерацияси ҳамда Енгил атлетика федерацияси иштирок этмоқда.

«Халқ сўзи».

РЕКЛАМА

Молия муассасаларида

БАНК ФАОЛИЯТИ ЯНГИ БИЗНЕС МОДЕЛИ АСОСИДА ҚАЙТА ҚУРИЛДИ

Президентимизнинг 2020 йил 12 майдаги "2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида мамлакатимиз молия секторини ислоҳ этишга қаратилган қатор ишлар амалга оширилди. Бунда, аввало, банкларнинг ташкилий тузилмаси қайта кўриб чиқилиб, улар халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди.

SANOAT QURILISH BANK

Фармон талабларига кўра, 2020 йилда "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ тизимида трансформация ва хусусийлаштириш жараёнларини самарали олиб бориш мақсадида Лойиҳа бошқаруви офиси ташкил этилди. Халқаро молия корпорациясининг амалий кўмагида иш бошлаган тузилмага халқаро консультантлар ҳам жалб қилинди.

Мазкур молия муассасаси томонидан уюштирилган матбуот анжуманида Лойиҳа бошқаруви офиси томонидан амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берилди.

— Бугунги кунда "Ўзсанотқурилишбанк" фаолияти олдинги ҳолатидан тубдан фарқ қилади, — деди Лойиҳа бошқаруви офиси раҳбари ўринбосари Ёркин Султонов. — Бошқарув тизими, хизмат кўрсатиш услуби, хизматлар ва маҳсулотлар каталоги, IT мажмуи ва банк тармоқларининг инфратузилмавий имижи бутунлай янги бизнес модели асосида қайта қурилди. Лойиҳа бошқаруви офиси фаолияти тизимдаги мазкур ўзгаришлар замирида турган лойиҳаларни марказлаштирувчи ва бошқарувчи бўлинмадир.

Офиснинг асосий вазифаси банк стратегик мақсадлари доирасида шакллантирилган лойиҳалар портфелини бошқаришдан иборатдир. Бунда 30 га яқин менежерлар халқаро микёсда кенг оммалашган методлар асосида лойиҳаларнинг бирбирига боғлиқлигини ўрганади, долзарблигини аниқлайди, методологияни қўллашда назорат-таҳлил ишини юритади, топ-менежмент учун лойиҳалар ҳолати бўйича маълумотларни умумлаштиради. Тузилмада, шунингдек, лойиҳа комиссияси фаолияти йўлга қўйилган.

Таъкидланишича, ўтган давр мобайнида банк бизнес жараёнларидан келиб чиқиб, лойиҳа бошқаруви методи оптималаштирилди, барча жараён автоматлаштирилди. Сколкова номли Москва бизнес мактаби билан ходимлар малакасини ошириш борасида ҳамкорлик ўрнатилди. Бугунги кунгача офис менежерлари томонидан 40 та лойиҳа устида иш олиб борилиб, шундан 18 таси амалиётга тўлиқ татбиқ этилди, 13 таси ишга тушиш арафасида турибди.

Жумладан, "Золотая корона" пул ўтказмаси орқали онлайн жўнатмалар жорий қилинди, "SWIFT" операцияларини онлайн трекинг қилувчи "GPI" тизими яратилди, "Cashmanegment" асосида масофадан туриб банкоматларни мониторинг қилиш тизими йўлга қўйилди, "Joyda" мобиль иловаси ва у билан биргаликда электрон савдо майдончаси (маркетплейс) ҳамда банкнинг хизмат кўрсатувчи нуқталарида ўзига ўзи хизмат кўрсатувчи "Тачскрин" панеллари ишга туширилди.

— Жорий йилда ходимларни замонавий ўқув методикаси асосида ўқитиш учун янги ўқув маркази ҳамда банк бизнес жараёнини рақамлаштиришда қулай шароит яратиш мақсадида IT маркази фаолият бошлади, — дейди Ёркин Султонов. — Тармоқлараро операцияларни ягона банк кодига ўтказиш тизими йўлга қўйилди, ягона ойна дастури жорий қилинди, тадбиркорларга банкдаги ўз ҳисоб рақамларини 24/7 режимида бошқариш имконини берувчи "SQB Business" интернет банк хизмати ишга туширилди.

Анжуманда айни пайтда лойиҳа менежерлари томонидан кредит конвейери (кредитлаш амалиётлари бўйича жараёнларни тўлиқ автоматлаштириш) ва "Joyda Pay" тизимларини жорий қилиш, "Joyda" мобиль иловасининг янги дизайнини яратиш, банкоматлар тармоғини 200 тага ошириш, шунингдек, банк ходимларини бошқариш, комплаенс назорат ва кредитларни ундириш жараёнларини автоматлаштириш бўйича фаол ишлар олиб борилаётгани маълум қилинди.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи
2022 йил 5 ноябрь

ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШ ЎЗ-ЎЗИДАН БЎЛМАЙДИ

1 Мутахассисларнинг таъкидлашича, 2023 йил инқироз даври ҳам бўлиши мумкин, чунки икки йилдирки, олдинга силжиш бўлмаяпти. Таҳлилларга кўра, жаҳоннинг энг йирик икки иқтисодий тизими — АҚШ ва Хитойда ўсиш секинлашганлигини кузатиш мумкин, шунингдек, Европанинг илғор давлатларида ҳам юқори ўсиш тенденциялари кўзга ташланаётгани йўқ. ХВФ раҳбари Кристалина Георгиеванинг йиллик йиғиндаги мурожаатида инқироз таҳдиди қаттиқ сезила бошлаганлиги ва ҳукуматлар тегишли истиқболли стратегик чораларни ишлаб чиқиши лозимлиги таъкидлаб ўтилган. Америка иқтисодиёти бу йил 1,6 фоизга ўсиши кутилмоқда, ҳолбуки, йил ўртасида 2,3 фоиз деб тахмин қилинган эди. Келгуси йил эса бу мамлакатда иқтисодий ўсиш 1 фоизни ташкил этиши мумкин, холос.

ХВФ таҳлили бу йил нархлар 8,8 фоизга ошишини кўрсатмоқда. 2021 йилда 4,7 фоизга кўтарилган эди. Хитой иқтисодиёти бу йил 3,2 фоизга ўсиши тахмин қилинган. Ўтган йили бу кўрсаткич 8,1 фоизда эди. Экспертлар пасайиш ортидаги асосий омиллар, пандемия пайтидаги чекловлар ва кўчмас мулк бозорининг назоратдан чиққанлиги, деб баҳоламоқда.

Мутахассислар фикрига кўра, Европа Иттифоқи ёнилғи танқислиги ва қимматлашувига мослашишга ҳамда келгуси истиқболли дастурларини қабул қилиш ва ишлаб чиқишда мазкур ҳолатларни ҳисобга олиши лозим. Жаҳон иқтисодиётида ўзининг валютаси билан анча интеграциялашган АҚШ Марказий банки инфляция фоиз ставкаларини кўтаришда давом этмоқда. Европа давлатлари ҳам мисли кўрилмаган иқтисодий муаммолар гирдобида қолмоқда.

Айтиш жоизки, Жаҳон банки 2022 йилда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти ўсишини 5,4 фоиз деб қайд этган, 2023 йилда эса 5 фоиз бўлиши прогноз қилинмоқда. ХВФ прогнозлари ҳам юқоридаги кўрсаткичларга яқин тахминларни қайд этган. Мамлакатда товар экспорти тушумларининг ошиши ва давлат инвестицияларининг мақсадли ва натижавийликка йўналтирилган тарзда сарфланиши бюджет тақчиллигини 2021 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 6,2 фоиздан 2022 йилда 4,4 фоизгача камайтиришга имкон беради.

Шу билан бирга, давлатнинг ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш, таълим ва инфратузилмани ривожлантириш харажатлари кўпайиши натижасида тақчиллик 2022 йилга мўлжалланган 3 фоизлик бюджетдан юқори бўлиши, шунингдек, 2023 йилга мўлжалланган фискал консолидация кечиктирилиши кутилмоқда. Чунки озиқ-овқат нархларининг кўтарилиши ва дунёдаги қарама-қаршилик оқибатларини юмшатиш муносабати билан мақсадли ижтимоий ҳимоя масалаларига эътибор қаратилмоқда. Қолаверса, иқтисодиётнинг юксалиши ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларининг кенгайиши натижасида мамлакатимизда камбағаллик даражаси келгуси йилда 14,5, 2024 йилда эса 12,2 фоизга пасайиши таъкидланмоқда.

Дунё ўзгармоқда, биз-чи?

Янги Ўзбекистонда тараққиётнинг янги босқичида кенг қамровли ислоҳотлар бошланиб, изчил давом эттирилмоқда. Ўтган даврда “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойил давлат органларининг дастурига айланди.

Натижада одамларнинг давлат идораларига муносабати, ҳаётга бўлган қарашлари ўзгарди. Халқимизда эртанги кунга ишонч ва умид ортди. Мамлакатимиз пандемия ва глобал инқирознинг салбий таъсирларига қарамасдан, эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан дадил олға бориб, ўз келажак тараққиёти сари аниқ мақсад ва йўлини белгилаб олди.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида устувор йўналишлар, аниқ мақсад ва вазифалар қатъий белгилаб қўйилди. Янги Ўзбекистонни барпо этиш, учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлида халқимиз астойдил меҳнат қилмоқда. Барча ислоҳотлар инсон, унинг қадр-қиммати тамойили асосида олиб борилаётгани диққатга сазовор. Ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ҳаётини янада яхшилаш, тадбиркорликнинг ривожланиши учун зарур шароитлар яратиш бош мақсадга айланди.

Дунё тажрибасидан маълумки, фақат тадбиркорлик ривожланган давлатда сифатли таълим, малакали тиббиёт, фаровон ҳаёт ҳамда эртанги кунга ишонч бўлади. Умуман айтганда, бизнесни ривожлантириш орқали қўшимча иш ўринлари яратилади, камбағаллик қисқаради, аҳоли даромадлари кўпаяди. Бунинг учун хусусий мулк ва тадбиркорликка халақит бераётган барча тўсиқлар бартараф этилади.

Бунинг исботи ўлароқ, юртимизда охирги олти йилда иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратсак. Тан олиш керакки, аввалги узоқ муддатли стратегия кўпроқ иқтисодий ривожланишнинг эришилган даражасини сақлаб қолишга қаратилган эди. Ушбу стратегия яккаланиш ва автаркия туфайли ташқи хатарларни максимал даражада камайтириш, яъни ички бозорни ўрнатилган монополияларга боғлаб қўйган ҳолда миллий иқтисодиётни изоляциялашни назарда тутган эди. Натижада кўп йиллар давомида фақат маълум бир кафолатланган “қулайлик зонаси”ни сақлаш асосий вазифага айланди. Муаммоларни ҳал қилиш ўрнига уларни йўқ деб ҳисоблашни афзал билдик. Инновация ва янгиликлар ўз потенциалини амалга ошириш учун имконият сифатида эмас, балки хавф ва таҳдид сифатида қабул қилинди. Ташқаридаги ҳар нарсага ўзимизга босим сифатида қараб, уларга тўсиқ қўйиб, кўп соҳаларда турғунликка дуч келдик.

Жадал ривожланаётган дунё эса принципиал жиҳатдан янги иқтисодий сиёсатни, барча йўналишда — иқтисодиёт, таълим, илмий-техникавий, ижтимоий, гуманитар соҳаларда катта ўзгаришлар учун янги имкониятларни топишга қаратилган фаол ташқи иқтисодий стратегияни талаб қилмоқда. Замоннинг ўзи давлат бошқарувини ташкил этишда, шу жумладан, ташқи сиёсат соҳасида янгича қараш ва фикрлаш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Табиийки, бундай шароитда муқаррар ўзгариш қилиш зарурлигини англаш пайдо бўлди. Бу одатий зарурат ёки бир жойда қолиб кетиш эмас, балки муносиб ривожланишни таъминлашнинг ягона йўли эканлигини англашдир.

Ўтмиш сабоқлари билан ёруғ келажак сари

Мана олти йилдирки, барча соҳада, жумладан, давлат бошқаруви, жамият, оммавий ахборот воситалари, иқтисодиётда уйғониш бошланиб, жадаллик билан олдинга интилиш давом этаётир. Хусусан, давлат раҳбари томонидан даъват сифатида айтилган Уйғониш даври (Ренессанс) учун шароит яратиш ҳақидаги гаплар шунчаки баландпарвоз сўзлар эмаслигига бугун барчамиз ишонч ҳосил қилдик.

Аввало, ташқи сиёсат нуқтаи назаридан олганда, ҳозирги кунда Ўзбекистон халқаро жараёнларда янада фаол иштирок этиб, минтақавий ва глобал кун тартибини белгилашда дадиллик билан қатнашмоқда. Айни пайтда биз ўзимизнинг яккаланган дунёмизда яшаётганимиз йўқ, балки атрофимизда содир бўлаётган жараёнларни ҳисобга олиб яшаяпмиз.

Пандемия туфайли юзага келган муаммоларни самарали ҳал этиш учун рақобат кучаяётган бир шароитда ресурслар ва савдо бозорларига кириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Бундай вазиятда давлатимиз ўзининг миллий манфаатларидан келиб чиқиб, энг муҳим иқтисодий ва сиёсий муаммоларни ҳал қилишда халқаро майдонда ўз позициясини қатъий илгари сурмоқда. Замонавий Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва салоҳияти фаол халқаро ҳамкорлик орқали таъминланмоқда.

Масалан, биз кўп томонлама ташкилотларга аъзолик имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланишни бошладик. Бундан ташқари, бугунги кунда Тошкент минтақавий ривожланишнинг асосий масалалари ва динамикасини шакллантираётган муҳим иштирокчилардан бирига айланганини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз. Жаҳон ҳамжамиятига юзланган ҳолда Ўзбекистон бошқа давлатларни Марказий Осиё минтақасига ўзгача назар билан қарашга ва унинг минтақавий ҳамкорлик имкониятларидан энг юқори даражада фойдаланишга ундамоқда. Минтақанинг савдо-иқтисодий соҳадаги мавжуд имкониятлари очилмоқда. 2016 йилдан 2021 йилгача бўлган муддатда минтақа ҳудудлари ўртасидаги савдо ҳажми кескин ошди.

Шундай қилиб, Марказий Осиё мамлакатларида нафақат минтақадан ташқари савдо шерикларига интилиш, балки яқин бозорларни эгаллаш имконияти пайдо бўлаётир. Қолаверса, Афғонистонга нисбатан янги сиёсат натижасида ҳам минтақа учун кенг имкониятлар очилмоқда. Биз аввалгидек ўзимизни Афғонистондан тўсиб қўймаяпмиз, балки ушбу давлатни ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларга жалб қилмоқдамиз. Афғон заминида барқарорликни таъминлаш, унинг транзит ва инфратузилма салоҳиятини ишга солиш минтақаларо савдони ривожлантиришга, Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлашга қаратилган йирик лойиҳаларни амалга оширишга кучли туртки бериши мумкин.

Излаган имкон топар...

Сирасини айтганда, ҳозирги иқтисодий инқироз ва коронавирус пандемиясини Ўзбекистон минтақанинг бошқа давлатларига нисбатан енгилроқ ўтказмоқда, десак, хато бўлмайди. Жаҳон банкининг прогнозларига кўра, 2022 йилда Марказий Осиё ва Шарқий Европа давлатлари орасида фақат Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти қисқармайди, аксинча, 5,4 фоизга ошади. Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари билан таққослаганда, бизнинг умумий экспорт таркибимиз ҳам маҳсулотлар ва бозорлар жиҳатидан кўпроқ диверсификациялашган. 2016 йилдан бошлаб экспорт товарлари таркиби муттасил ўсиб бормоқда. Агар олдинги даврбилан таққосласак, масалан, 2010 йилдан бошлаб, ташқи бозорларга етказиб бериладиган маҳсулотлар сони қарийб 2 баравар ошган.

Янги савдо бозорлари фаол ривожланмоқда. Натижада ўтган йилнинг охирида экспорт ҳажми пул кўринишида 2016 йилдагига нисбатан 60 фоизга ошди. Мамлакатда мустаҳкам хавфсизлик “молиявий пойдевори” шаклланган. Ўзбекистоннинг захира активлари 35 миллиард долларни ташкил этди. Иқтисодчиларнинг фикрига кўра, жорий захиралар 20 ойдан ортиқ муддатга импортни молиялаштириш учун етарли ҳисобланади. Бу ривожланаётган мамлакатлар учун халқаро ташкилотлар томонидан тавсия этилган кўрсаткич — уч ойдан анчагина кўп.

Сўнгги уч йил ичида Ўзбекистон етакчи халқаро рейтинг агентликлари — “Fitch”, “Standard&Poor’s” ва “Moody’s” томонидан суверен рейтингларни олди. Бу рейтинглар давлат ўз молиявий мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажаришга тайёрлигини кўрсатади.

Шу билан бирга, бутун иқтисодий тизим эркинлашмоқда, иқтисодиётнинг реал секторида инвестициялар ва лойиҳаларни амалга ошириш учун янги имкониятлар кенгаймоқда.

Умуман, янгича ишбилармонлик муҳити шаклланмоқда, инвесторларда кафолат пайдо бўлмоқда, бу эса уларда мамлакатимизга инвестициялар киритиш истиқболларига бўлган ишончни янада орттиради. Табиийки, бундай шароитда Ўзбекистон кўплаб мамлакатлар, банклар ва бошқа молиявий институтлар билан ҳамкорлик қилиш учун устувор давлатга айланмоқда. Катта салоҳиятнинг мавжудлиги ва унинг ўзаро ҳамкорликка таъсирини инобатга олиб, улар сармоя киритишга ишонч билдирмоқда. 2016 йилдан буён асосий капиталга жалб қилинган инвестициялар ва кредитлар ҳажми уч бараварга ошди. Уларнинг географияси 51 та сармоядор мамлакат сонидан 82 тага етди, шу жумладан, халқаро молиявий институтлар ҳисобига кенгайди.

ЯИМни 160 миллиардга етказа оламизми?

Ўзбекистон ҳукумати давлат-хусусий шерикликни иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш ва ялпи ички маҳсулот ўсиши омилларидан бири деб ҳисоблайди. 2026 йилгача ДХШ лойиҳаларига 14 миллиард доллар тўғридан-тўғри сармоя жалб этиш, 2030 йилга бориб эса ЯИМ ҳажмини 160 миллиард долларга етказиш режалаштирилган.

Шу ўринда савол туғилиши мумкин: хўш, нега биз давлат-хусусий шерикликни Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш ва ўсиш суръатларини таъминловчи омиллардан бири деб биламиз?

Чунки Ўзбекистон иқтисодиёти сармояга, биринчи навбатда, хусусий сармояга муҳтож. ЯИМни 2026 йилда 100 миллиард долларга етказиш ва бошқа мақсадлар хусусий сармояни талаб қилади.

2018 йил охирида Молия вазирлиги ҳузурида Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ташкил этилганидан буён Ўзбекистон давлат-хусусий шериклик бўйича 10 миллиард долларлик битимлар тузди. 2022 — 2026 йилларда бу кўрсаткични 14 миллиард доллларга етказиш режалаштирилган. Бу, Ўзбекистон сармоя жалб этишда бошқа давлатлар билан рақобатлаша олади, дегани. Зеро, Президент раҳбарлигида сўнгги йиллар давомида қисқа, аммо жуда яхши иш тажрибасига эга бўлинди. Хусусан, сўнгги 20 йил ва ундан кўпроқ вақт давомида кечиктирилган ва амалга оширилмай келинган кўплаб ислоҳотлар ижроси уддаланмоқда. Айниқса, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини силжитиш учун катта саъй-ҳаракатлар бажарилди. Ҳозирги кунда кам сонли давлатлар жуда кўп давлат-хусусий шериклик лойиҳаларига эга эканликларини айта олишади. Ўзбекистон эса энергетика, коммунал, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳам лойиҳаларни амалга оширишни режа қилган.

Мавжуд прогнозларга кўра, 2030 йилга бориб Ўзбекистон аҳолиси сони 40 миллион кишига етади, ялпи ички маҳсулот эса 160 миллиард долларни ташкил қилади. Бу эса аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ 4 минг АҚШ долларига етиши кутилаётганини англатади.

2021 йилда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти 734,6 триллион сўм бўлди. АҚШ долларида ўртача курс бўйича ҳисобланганда номинал ЯИМ 69,23 миллиард долларга етди. Аҳоли жон бошига ЯИМ 1983 долларгача кўтарилди. 2022-2023 йилларда давлат ҳамкорлигида йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун хусусий компанияларни жалб этиш бўйича бир қатор тендерлар ўтказилиши режалаштирилган.

Халқаро майдондаги имижнинг мустаҳкамланиши. Орзулар қанот қоқмоқда

Хуллас, Ўзбекистонда амалга оширилаётган оқилона сиёсат натижасида иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга эришилмоқда, халқимиз фаровонлиги муттасил юксалиб бормоқда. Бу қатор нуфузли халқаро ташкилотлар, тадқиқот институтлари томонидан ҳар йили эълон қилинаётган халқаро рейтингларда ўз исботини топмоқда.

Шу ўринда, сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун Ўзбекистонда биргина бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун яратилаётган имкониятлар тўғрисида қисқача тўхталиб ўтсак.

Биринчидан, хорижий инвестицияларнинг ҳимоясини кафолатлайдиган ягона “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Иккинчидан, солиқ тизими такомиллаштирилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистондаги корпоратив солиқ ставкаси (12 фоиз) — минтақадаги энг қуйи кўрсаткичлардан бири.

Учинчидан, ислоҳотлар очиқлик сиёсатида ҳам намоён бўлмоқда. Дунёнинг 90 та мамлакати фуқаролари учун визасиз режим жорий этилди.

Тўртинчидан, қисқа муддат ичида “Doing Business” глобал рейтингида Ўзбекистон 166-ўриндан 69-ўринга кўтарилди.

Бешинчидан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўтган ҳафтада Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ўсиши борасидаги прогнозларини оширди. Жумладан, мамлакат иқтисодиёти 2022 йилда 4 фоизга, 2023 йилда эса 5 фоизга ўсиши таъкидланди.

Бу, албатта, ислоҳотларнинг бошланиши. Янги Ўзбекистонда тадбиркорлар учун янада қулай шароитларни яратиш учун барча зарур чоралар кўрилади ва бу борадаги ишлар давом эттирилади.

Айни чоғда барчамиз жамиятда ютуқларга эришиш ва тараққиётни юксалтириш ўз-ўзидан бўлмаслигини, бу йўлда ўзига хос мураккабликлар ҳам юзага келишини тўғри англашимиз лозим. Чунки ҳаётда тез ва ҳеч қандай йўқотишларсиз ҳал қилиб бўлмайдиган муаммолар ҳам мавжуд. Барча ўзгаришлар учун, биринчи навбатда, вақт ва изчиллик керак. Шу сабабли амалга оширилаётган стратегиянинг пировард муваффақияти ва унинг тўлиқ бажарилиши учун биз жамият ҳаётидаги янгиланишларни қўллаб-қувватлашимиз ва бу йўлда бирлашишимиз, ҳамиша олдинга қараб барқарор ва оғишларсиз ҳаракат қилишимиз лозим.

Зеро, юртимиздаги бугунги барқарор иқтисодий ўсишлар, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасининг юксалаётгани — беқиёс имкониятларнинг ҳали бошланиши, холос.

Тўлқин ТЕШАБАЕВ,
Тошкент молия институти ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

РЕКЛАМА

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ «ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ АҲОЛИМИЗНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ ВА ТИНЧЛИГИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сон қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қоидалари»га мувофиқ магистраль алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;

магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;

магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларини кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, қўмиб юбориш;

турли хил қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;

магистраль алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасида қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;

турли хил чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;

магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш **ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ**.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда **ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА** амалга ошириши лозим.

АЛОҚА КАБЕЛЛАРИ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ! ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!

Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариб, алоқа кабеллари узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёки жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар улардан ундириб олинади.

Эсда тутинг! Агарда Сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида қандайдир ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурияти туғилса, кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг ва бу масалада **қисқа «1133» рақамига** ёки «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиалининг ҳудудий боғламаларига ёки магистраль алоқа кабели трассаси белгисида кўрсатилган кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

Корхона, ташкилот ва аҳоли мурожаатлари учун енгиллик яратиш мақсадида, «1133» қисқа рақамли «Мурожаат телефони» ишга тушганлигини, мазкур қисқа «1133» рақамига қўнғироқ орқали ҳам бизнинг вакилларимиз билан боғланиш мумкинлигини маълум қиламиз.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар ва уларнинг кабель участкаси манзиллари ҳамда боғланиш телефон рақамлари:

«ТТ» филиали Биринчи техник боғламаси, Тошкент ш., Юнусобод т. Қозитарнов кўчаси, 29-уй	1133, 99-866-71-77, 99-833-19-32
«ТТ» филиали Иккинчи техник боғламаси, Қўқон ш., Янги чорсу кўчаси, 264-уй	1133, 99-365-03-79, 99-365-03-84
«ТТ» филиали Учинчи техник боғламаси, Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани, Пиллакор қўрғони	1133, 99-473-05-12, 99- 470-50-04
«ТТ» филиали Тўртинчи техник боғламаси, Булунғур ш., Самарқанд кўчаси, 18-уй	1133, 99-599-01-77, 99-599-99-00
«ТТ» филиали Бешинчи техник боғламаси, Бухоро ш., Ғиждувон кўчаси, 69-уй	1133, 99-707-07-37, 99-732-50-39
«ТТ» филиали Олтинчи техник боғламаси, Нукус ш., Ашхобод кўчаси, 1-уй	1133, 99-954-86-86, 99- 563-62-06
«ТТ» филиали Еттинчи техник боғламаси, Термиз ш., Тараққиёт кўчаси, 32-уй	1133, 99-675-11-00, 99-675-11-04
«ТТ» филиали Саккизинчи техник боғламаси, Қарши ш., Хусниобод кўчаси, 1-уй	1133, 99- 660-06-37
«ТТ» филиали Тўққизинчи техник боғламаси, Урганч ш., Дўсов кўчаси, 2-уй	1133, 99-965-52-55, 99-965-28-78
«ТТ» филиали Ўнинчи техник боғламаси, Навоий ш. Садоқат кўчаси, 2-«Б» уй	1133, 99-735-00-55, 99-756-55-99

Ушбу жойда Сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин эди! «Халқ сўзи»даги Реклама бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!
Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1148. 13 670 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5 6